

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2022 йил декабрь ойининг 6 куни жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди, Ангрен шаҳар “Дорилфунун” м.ф.й. биносида, очиқ сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи: Ж.Кулдашев,

суд мажлиси баённомасини юритувчи судья ёрдамчиси А.Бозорбоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ангрен шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Д.Хонниёзов, судланувчи АБС, жабрланувчи Х.Мўтабарова ва Г.Жўраеванинг иштирокида, АБСга нисбатан №1-1104-2203/481-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

АБС- 1979 йил 26 апрель куни Фарғона вилояти Риштон туманида туғилган, миллати қирғиз, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Фарғона вилояти, Риштон тумани, Ёйилма м.ф.й., Тўлқин-2 кўчаси, 9-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 11 ноябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи АБС, 2022 йил 25 август куни соат тахминан 20-00 да, бошқарувидаги ўзига тегишли “Ласетти” русумли, давлат рақам белгиси 40С697АВ бўлган машинасини Тошкент-Ош автомобиль йўли бўйлаб, Тошкент шаҳри томондан Ош шаҳри йўналишида бошқариб, ушбу йўлни Оҳангарон тумани Чинор м.ф.й., худудидан ўтган 193-километрга етган вақти, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 1-3, 73, 77-банди талабларини кўпол равишда бузиб, яъни ҳайдовчи ўзидан олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси кескин тормоз берганида тўқнашиб кетмаслик кафолатини берадиган даражадаги оралиқ масофани, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ёнлама оралиқ масофани сақлаши кераклиги, ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлиги, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши, тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги



хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак бўлса-да, автомашинани бепарволик билан бошқариб, йўналиши бўйича олдинда тўхтаб турган 28.12.1973 йилда туғилган Ўтанов Акмалжон Ғуломжонович бошқарувидаги “Lada Largus” русумли, давлат рақам белгиси 10A267UA бўлган автомашина билан оралиқ масофа сақламасдан орқа қисмига тўқнашиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этган.

Натижада “Ласетти” автомашина йўловчиси Х.С.Мутабарова ва “Lada Largus” автомашина йўловчилари У.Мирзаакбарова, С.Мусурмонова, М.Жўраева, Г.Жўраева ҳамда М.Расуловлар олган тан жароҳатлари билан Ангрен шаҳар марказий шифохонасига мурожаат қилган.

Ўтказилган судга оид тиббий экспертизасининг 20.09.2022 йилдаги 6380-сонли хулосасида, Х.Мутабаровага оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келмаган енгил тан жароҳати етказилганлиги кўрсатилган.

Ўтказилган судга оид тиббий экспертизасининг 27.09.2022 йилдаги 6574-сонли хулосасида, С.Мусурмоновага оғирлик даражаси бўйича ўртача оғир тан жароҳати етказилганлиги кўрсатилган.

Ўтказилган судга оид тиббий экспертизасининг 27.09.2022 йилдаги 6575-сонли хулосасида, Г.Жўраевага оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказилганлиги кўрсатилган.

Ўтказилган судга оид тиббий экспертизасининг 26.09.2022 йилдаги 6586-сонли хулосасида, М.Жураевага оғирлик даражаси бўйича оғир тан жароҳати етказилганлиги кўрсатилган.

Судланувчи **АБС** суд мажлисида, ўз айбига тўлиқ иқроп бўлиб, у 2022 йил 25 август куни соат тахминан 17-00 да, бошқарувидаги “Ласетти” русумли, давлат рақам белгиси 40С697АВ бўлган автомашинада Тошкент вилояти, Қибрай туманидан унга кейинчалик таниш бўлган Мутабарова Ханифа Солижоновнани олиб, Фарғона вилояти томон йўлга чиққанликларини, Х.Мутабарова автомашинасининг олд йўловчи ўриндиғида ўтириб кетганини, Фарғона вилояти томон Тошкент-Ош автомобиль йўли бўйлаб кетиб, ушбу йўлни Оҳангарон тумани Чинор м.ф.й., ҳудудига соат тахминан 20-00 да етиб келганини, сўнг йўналиши бўйича тахминан 50-60 км/соат тезликда, автомобиль йўлини биринчи бўлагида ҳаракатни давом эттириб, “Чинор ЙПХ” масканига яқин қолганида, ушбу масканга ўрнатилган автомашиналарни қарздорлигини аниқловчи ойнага қараб, чалғиб қолган ҳолда йўналиши бўйича олдинда тўхтаб турган унга кейинчалик таниш Ўтанов Акмалжон Ғуломжонович бошқарувидаги “Lada Largus” русумли, давлат рақам белгиси 10A267UA бўлган автомашинасига яқинлашиб қолганлигини кўрганини, тормозланишига қарамасдан оралиқ масофа қисқа бўлгани учун ушбу автомашинани орқа қисмига автомашинасини олд қисми билан урилганини, сўнг ушбу йўл-транспорт ҳодисаси натижасида шок ҳолатига тушиб, нима бўлганлигини эслай олмаслигини, ҳодиса куни спиртли ичимлик истеъмол қилмаган бўлганини,



автомашинаси техник жихатдан соз ҳолатда бўлганлигини, А.Ўтановга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини, жабрланувчи Х.Мўтабаровага 2.500.000 сўм миқдорида зарарни қоплаганлигини, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бу каби ҳолатлар бошқа такрорланмаслигини маълум қилиб, суддан ўзига нисбатан енгиллик беришини сўради.

Жабрланувчи **Мўтабарова Ханифа Солижонова** суд мажлисида, у 2022 йил 25 август куни соат тахминан 17-00 да, унга кейинчалик таниш бўлган АБС билан унинг бошқарувидаги “Ласетти” русумли, давлат рақам белгиси 40С697АВ бўлган автомашинасида Тошкент вилояти, Қибрай туманидан Фарғона вилояти томон йўлга чиққанликларини, у автомашинанинг олд йўловчи ўриндиғида ўтириб кетганини, бошқа йўловчилар бўлмаганлигини, сўнг Фарғона вилояти томон Тошкент-Ош автомобиль йўли бўйлаб ҳаракатланиб, ушбу йўлни Оҳангарон тумани Чинор м.ф.й., худудига соат тахминан 20-00 да етиб келганликларини, бу вақти улар автомобиль йўлини биринчи бўлаги яъни қарама-қарши йўналишларни ажратиб турувчи темир тўсиқ томонда кетаётган бўлишганини, автомашинани тезлиги қанча бўлганлигини билмаслигини, лекин катта тезликда кетаётган бдўлишганини, у ҳайдовчига автомашинани секинроқ бошқаришини айтишига қарамасдан, катта тезликда ҳаракатланиб келганини, сўнг шу ерда жойлашган “Чинор ЙПХ” масканига яқин қолганларида у ён-атрофни кузатиб келганини ва йўналишига қараганида, унга кейинчалик таниш бўлган Ўтанов Акмалжон Ғуломжонович бошқарувидаги тўхтаб турган “Lada Largus” русумли, давлат рақам белгиси 10А267UA бўлган автомашинасига яқинлашиб қолганликларини кўриб, ҳайдовчига олдиларида автомашина тўхтаб турганлигини айтишига улгурмасидан, ушбу автомашинани орқа қисмига тўқнашганликларини, натижада у бош қисми билан автомашинани олд лабавой ойнасига урилиб, тан жароҳати олганини, орадан бироз вақт ўтиб, тез тиббий ёрдам хизмати ходимлари келишганини, улар унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиб, сўнг у Фарғона вилоятига кетганини ва у ерда шифохонага мурожаат қилганини, ушбу йўл-транспорт ҳодисаси натижасида у тан жароҳати олганлигини, “Ласетти” автомашина ҳайдовчиси Нозимжон бир маротаба 2.500.000 сўм пул бериб шу билан йўқ бўлиб кетганини, ҳолидан хабар олмаганлигини, берган пули ҳеч нимага етмаганини, ҳозирги кунга қадар олган тан жароҳатлари оғриқ бериб, қийнаб келаётганини, жазо масаласини судга хавола қилишини маълум қилиб, суддан судланувчи АБСдан унга етказилган 6.500.000 сўм моддий ва 6.000.000 сўм миқдорида маънавий зарарларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи **Жўраева Гулчехраҳон Фахриддин қизи** суд мажлисида, у 2022 йил 25 август куни соат тахминан 16-30 да, Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳридан, танишлари Мирзаакбарова Умида Дадажоновна, Мусурмонова Сохибахон Жалолитдинова ва унинг икки нафар фарзандлари яъни Расулова Мунисабону Фарходжон қизи, Жўраева Маликабонулар билан бирга Ўтанов Акмалжон Ғуломжонович бошқарувидаги “Lada Largus” русумли, давлат рақам белгиси 10А267UA бўлган автомашинасида Фарғона



вилояти томон йўлга чиққанликларини, шу куни улар тўйга бориб, уйга қайтаётган бўлишганини, Фарғона вилояти томон Тошкент-Ош автомобиль йўли бўйлаб кетиб, ушбу йўлни Оҳангарон тумани Чинор м.ф.й., худудида жойлашган “Чинор ЙПХ” масканига соат тахминан 20-00 да етиб келишганини ва шу ерда жойлашган пиёдалар ўтиш йўлаги олдида, қорамол ҳайдаб ўтаётган пиёдаларни ўтказиб юбориш учун тўхтаганликларини, шу вақт орқа томондан унга кейинчалик таниш АБС бошқарувидаги “Ласетти” русумли, давлат рақам белгиси 40С697АВ бўлган автомашинасида келиб, у ўтирган автомашинанинг орқа қисмига урилганини, ҳайдовчи уларга ёрдам кўрсатиб, автомашинадан чиқариб олганини, сўнг келган тез тиббий ёрдам хизмати автомашинасида Ангрен шаҳри марказий шифохонасига кетишганини, ушбу йўл транспорт ҳодисаси натижасида ўзи ва фарзанди Жураева Маликабону тан жароҳати олганини, у қизига қараб ўқишдан қолиб кетганини, ҳайдовчи улардан умуман хабар олмаганлигини маълум қилиб, суддан судланувчи АБС томонидан унга етказилган 4.000.000 сўм миқдоридagi моддий ва маънавий зарарни ундириб беришни сўради.

Судланувчи АБСнинг айби, судда ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, унинг айби суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчиларнинг кўрсатувлари, аризалар ва тушунтириш хатлари, ЙТХ маълумотномаси, ЙТХ чизмаси, транспорт воситасини кўздан кечириш баённомаси, суд тиббий экспертиза хулосалари, баҳолаш хулосаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан ўз исботини тўлиқ топган.

Суд, судланувчи АБС томонидан содир этилган жиноятнинг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки суриштирув органи томонидан унинг транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиши оқибатида, жабрланувчига ўртача оғир тан жароҳати етказишда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7, 8-моддаларида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили бўлиши ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун



зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклигига қаратилиши, ушбу принципга биноан жазолашдан қўзланган мақсадга энгилроқ чора қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, етказилган зарар миқдори ва хусусияти, шахси, унинг жавобгарлигини энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ва булардан келиб чиқиб, судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва ЖК 54-моддасига биноан жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиши лозимлиги;

2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги; 5-бандида судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак; 11-бандида, суд биринчи марта жиноят содир этган шахсга қонун санкцияси доирасида энгилроқ жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиши лозимлиги; тайинланган жазо жиноятнинг оғирлиги ва маҳкумнинг шахсига мутаносиблиги синчиклаб текширилиши лозимлиги, суднинг содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, етказилган зарар миқдори, айбланувчининг шахси, жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, айблов ҳажми, айб шакли ҳақидаги хулосалари нотўғри деб топилган ва шу муносабат билан ҳукмга ўзгартиришлар киритилган тақдирда, апелляция ва кассация инстанцияси суди ўз қарорини асослантирган ҳолда маҳкумга нисбатан тайинланган жазони энгиллаштириш масаласини муҳокама қилиши шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” ги 10-сонли Қарорининг 25-бандида “судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий



ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шарт” – деб, раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи АБСга жазо тури ва меъёрини белгилашда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, унинг шахсини, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси борлигини, муқаддам судланмаганлигини ҳамда жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи бошқа барча ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан қонун санкция доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, шунингдек, судланувчи транспорт воситасини бошқариш ҳолатларида жиноят содир қилганлигини эътиборга олиб, келгусида шу каби жиноятлар содир этилишини олдини олиш мақсадида унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, қўшимча жазо тариқасида муайян ҳуқуқ, яъни барча турдаги транспорт воситалакрини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1021-моддаси 1-қисмида, маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланиши;

1022-моддаси 1-4-қисмларида, маънавий зарар пул билан қопланиши; маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланиши, зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналиқ ва адолатлилиқ талаблари эътиборга олинishi лозимлиги; жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланиши; маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкӣ зарардан қатъий назар қопланиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 2-бандида, маънавий зарар деганда жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар тушунилиши, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг объекти бўлиб, фуқарога туғилган вақтидан буён ва қонунга мувофиқ тегишли бўлган номоддий манфаатлари, (ҳаёти, соғлиғи, шахснинг қадр-қиммати, ишчанлик обрў-эътибори, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сири), шахсий номулкий ҳуқуқлари ва мулкӣ ҳуқуқларини бузилиши бўлиши мумкинлиги;

Маънавий зарар, етказилган зарар ёки соғлиққа бошқача зиён етказиш туфайли, жисмоний оғриқ, соғлиққа бошқача етказилган ёхуд етказилган маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказилган бошқа касалликларда оён бўлиши мумкинлиги;



8-бандида, суд маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъвони мулкӣ зарарни ундириш тўғрисидаги даъво билан бирга ҳам, шунингдек алоҳида ҳам кўрилиши мумкинлиги, чунки амалдаги қонунга кўра етказилган маънавий зарар учун жавобгарлик мулкӣ зарарнинг мавжудлиги билан боғлиқ эмаслиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, ушбу қонун талаби ва Олий суд Пленумининг қарори тушунтиришларга амал қилиб, судланувчи АБС томонидан содир этилган жиноят натижасида жабрланувчиларга етказилган маънавий зарар миқдорини баҳолашда, унга етказилган тан жароҳатнинг оғирлигини, бунинг оқибатида етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг даражасини, унинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини давом эттира олмаслик, соғлиғи, оилавий ва моддий шароитини, зарар етказувчининг айби ҳамда унинг моддий аҳволини эътиборга олиб, адолатлилик ва оқилоналик талабларига риоя қилган ҳолда, судланувчи АБСдан жабрланувчи Жўраева Гулчехрахон Фахриддин қизи фойдасига 4.000.000 сўм, жабрланувчи Мўтабарова Ханифа Солижонова фойдасига 6.000.000 сўм миқдорда маънавий зарарни ундиришни, шунингдек, жабрланувчиларга мазкур жиноят иши юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа моддий зарар юзасидан келгусида тегишли тартибда фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 453-457, 463, 465-468, 473-моддаларига асосан суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И

АБСЎзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

АБСга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддасига асосан 1 /бир/ йил муддатга муайян ҳуқуқдан яъни, барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ҳар ойлик иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 /бир/ йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

АБСга нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтаттирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазо муддати ҳукм ижрога қаратилиб, ойлик иш ҳақидан ундирила бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини таъминлаш судланувчининг яшаш жойи бўйича Фарғона вилояти Риштон туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Судланувчи АБСга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.



Судланувчи АБСдан жабрланувчи Жўраева Гулчехрахон Фахриддин қизи фойдасига 4.000.000 сўм маънавий зарар ундирилсин.

Судланувчи АБСдан жабрланувчи Мўтабарова Ханифа Солижонова фойдасига 6.000.000 сўм маънавий зарар ундирилсин.

Манфаатдор шахсларга етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни қоплаш масаласи юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қилишлари мумкинлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида, судланувчи, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида шу суд орқали Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Ж.Кулдашев

